

Инсон кўзи билан кўрилган, аклий ва хиссий идроки билан анланган борлик дунёнинг буюк сохиби Аллохнинг яратувчанлик кудрати махсулидир ва шунинг учун ҳам Тангри таоло хукмидадир. Инсон жамики жамод (жонсиз нарсалар) ва махлукотдан устун килиб яратилган экан, унинг «шарифлиги» тили, калби ва акли биландир. Мўъжиза ва хикматларнинг манбаи бўлган Куръони каримда Яратганнинг ўзи шундай мархамат қилади: *«Сўзга кулок тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтувчи Хак сўзга) эргашадиган зотларга хабар беринг! Ана ўшалар Аллох хидоят қилган зотлардир! Ва ана ўшаларгина акл эгаларидирлар!»*

(39:18). Бу ўринда СЎЗ – Каломуллох маъносида кечса ҳам, унинг энг гўзали – Хак сўзга эргашадиган зотларнинг Аллох хидоят қилган кишилар сифатида улугланиши, ушбу СЎЗ билан мукаддас бўлган Инсон сифатининг яна бир бор ортиши СЎЗ билан эканидадир. Эҳтимол, шу илохий сўз кудратидан (*«Икро бисми роббика!»*

-
“

Аллохнинг номи билан бошлаб, ўкинг!»)

1

унга буюк истеъдод ато қилингандир: Хазрат Пайгамбарга юборилган СЎЗ (Куръони карим) нозил бўлиши учун яна бир Аллохнинг номини улугловчи калима (*бисми роббика!*)

керак бўлди ва ўшандагина унга юборилган сўзни таниш, ўқиш истеъдоди инсонга насиб қилди (*икро!*).

Сўз хусусида сўз кетганда, Жалолиддин Румийнинг *“Сўз Хакнинг сояси... Инсонни соя ўзига тортар экан, унда хакикат янада яхшироқ жазб этади. Хар нарсанинг асли – сўз... Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан тугилади. Улуг Тангри оламни сўз билан яратди ва “бўл!” дейиши билан бўлди... Сўз инсоннинг киймати қадар қадридир”*

2

каби куръоний сўзлари Сўзнинг нафакат мукаддас китоб ёки инсон шарифлигининг боиси, балки амалий хаёт меваси экани маълум бўлади.

Жалолиддин Румийнинг ўз устозлари хусусида сўз кетганда,

“Аттор рух буд... мо бад аз Аттор омадим”

(Аттор рух эди... биз Аттордан кейин келдик) сўзларини эслаб, буюк мутасаввифнинг рухи бўлган Фаридиддин Атторга сўз берамиз:

“Икки оламнинг асоси сўздир, чунки сўз Хакдан мужда бўлиб келди. Ахир арши

аълода битилган "Лавхул махфуз" хам сўздир. Хамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга кайтади..."

3

Ушбу икромнома Сўз хакидаги карашларимизни бир оз бўлсин

- да теранлаштириб, азал ва охират китоби "Лавху

-

л

-

махфуз" хам сўз билан ижод этилганини эслатади. Нафакат исломий манбаларда, балки жумла жахон китобдорларига нозил бўлган мукаддас битикларда сўзнинг мартабаси улуг экани яқдил ифодаланган. Янги Ахд китоби (Инжил)даги Юханнонинг биринчи мактубида шундай ёзув бор:

"Коинотнинг Тангриси Ўз неъматларида ягона эмас эди. Унинг ёнида ниятларини тушунадиган, бутун яралмиш махлукларга бахт ато этишда Унинг кувончидан бахраманд бўлган Зот бор эди: "Азалда Калом бор эди. Калом Худо наздида эди. Калом – Худо эди. Азалданок У Худода эди" (Юх. 1, 1.2)

-

"У Ўз кудратли каломи ила коинотни асрайди" (Ибр. 1,3)

4

-

Демак, сўзни дунёнинг ибтидою интихоси деб билиш факатгина мусулмон оламига хос бир рухоний ҳолат эмас, балки барча яралмишлар томонидан фитрат этилган (яратилган) неъматларда улуг калом сифатида акс этган. Мумтоз адабиётшуносликда сўз хакидаги карашлар кадимги мажусийларнинг "Авесто" китобида, Ўрхун

- Энасой обидалари таркибида хам бор. Лекин бевосита адабиёт оламига дохил фикрлар Махмуд Кошгарийнинг "Девону лугатит турк" асарининг мукаддимасидан бошланганини сўнгра эса "Кутадгу билиг", "Хибату-л-хакойик" асарлари таркибида хам бадиий сўз хакидаги карашлар акс этганини мумтоз адабиётнинг бу ўлмас дурдоналари оркали сезгир кузатамиз.

Турк тилидаги илк бадиий дoston "Кутадгу билиг" да сўзни санъат сифатида улугловчи шундай жумлалар бор:

Сўз ерга яшил кўкдан тушди,

Сўзи туфайли инсон ўзини улуг килди.

Ўлганлардан тирикларга мерос сўздир,

Мерос сўзки, нафъи юздир.

Сўзи яхши бўлса, кишининг юзи сувлидир (ок бўлади) [5](#).

СЎЗнинг Аллох томонидан нозил килингани ва яшил кўкдан ерга тушиб, инсоннинг юзи бўлгани, инсон шарифлигининг боиси сўз экан, у тилга эътибор бериб, ўз нуткини гўзал сўзлар билан зийнатлаши лозимлиги Юсуф Хос Хожиб томонидан тил одоби ва нутк гўзаллиги зикрида баён килинади. Хазрат Алишер Навоий калб кўзи очик шоир сифатида тавсиф берган Адиб Ахмад Югнакийнинг “Хибату-л-хако йик” асарида “сўз дурларини терган”, “тахсинга лойик сўзларни кадрлаган” ижодкорлар хакида фикр юритилади.

Араб тилида сўз санъатига багишланган асарлар кадимдан, хатто жохилийя даври олимлари ишларида кайд этилган бўлса-да, бевосита уни Сўз санъати, яъни бадийлик маъносида кўллаш Форобийнинг машхур “Китобу-ш-шеър” асарида кузатилади. Абу Наср Форобий бадий сўз табиати хакида “Каламу-ш-шеър ва-л кавофи” (“Шеър ва кофиялари хакида сўз”), “Китобу-л-хитоба” (“Риторика хакида китоб”), “Китобу-л-лугат”, “Китобун фи саноъати-л-китоб” (“Хаттотлик хакида китоб”) асарларида ўз мулохазаларини билдирган. Юкорида тилга олинган “Китобу-ш-шеър” асарида Арасту хакимнинг “Фи саноъати-ш-шеър” (“Поэтика”) асарида айтилган фикр-мулохазаларни шархлаб, юнон шеъриятига тааллуқли бўлган назарий муаммолар баён килинади:

“Бу санъатда шоирликнинг танланиши одамда жуда хам улкан бойлик саналади.

Бу худди хозирги замондаги

баъзи шоирлар килмишига ўхшаб кетади.

Агар бир сўзни шеърда бошка сўзга кофиядай килиб кўйиб, олдинги байтда

лозим бўлган нарсаларни ёки тасвирлаш ниятида бўлган нарсаларни ярата олса, у

холда одамда хузурбахш холат пайдо бўлади. Бу санъат ахли билан рассом санъатида кандайдир муносабат бор. Ўша иккала яратилган нарсада

-

уларнинг шакларида ва мазмунларида бир

-

бирига мувозанат, ўхшашлик ҳамда фарк бор.

Аммо иккаласи ҳам одамлар тасаввури ва сезгиларида бир максадга, таклид килишга йўналтирилган бўлади”

– деб изохлайди аллома Арасту хакимнинг

мимесис

назариясини

6

. Бу ўринда муаллими соний сўз санъати талкинида ўзига устози аввал санаган Арасту хаким сўзларини изоҳ килиш билан чекланмайди, балки уни имкон қадар санъатнинг бошқа турлари, хусусан, рассомлик санъати билан уйғун ва фаркли жihatларини таъкидлаш орқали сўз санъатининг хос хусусиятларини ўз асарида кўрсатиб улгуради.

Унсуру-л-Маъолий Кайковус машхур “Кобуснома” номли насихатномасининг алоҳида бир бобини шеър ва шоирлик таърифига бағишлаган: *“Шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, бошқалар унинг шарҳига мухтож бўлгудек сўзни айтмагил, чунки шеър халқ учун ёзилади, ўзи учун эмас. Бир хил вазн ва кофияга каноат қилмагил, тартибсиз шеър айтмагил. Газални гўзал ва равшан ёзгил, мадҳда бақувват ва баландҳиммат бўлгил, ҳар бир одамга лойик сўз айтгил ва ҳар бир кишининг кадрига қараб шеър битгил”*

7

. Бу донишманд бир маликнинг ўз фуқароларига ёки аллома отанинг фарзандларига берган ўғитигина эмас, балки сўз санъатининг жозиб талаб ва эҳтиёжларидан боғабар бўлган мутахассис олимнинг эътирофи сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин.

Низомий Арузий Самарқандий “Чахор мақола” (ўзбек тилига “Нодир хикоятлар” номи билан таржима қилинган) асарининг “Шеър илмининг моҳияти ҳақида”ги бобида *“Шоирлик шундай санъатки, бу санъат орқали ҳаяжонлан-тирувчи тушунчалар ҳосил қилинади ва таъсирчан ўхшатишларни бир-бирига боғлайди. У шундай йўлда кичик маънони каттага, каттани кичикка айлантиради. Чиройли(к)ни хунук либосда кўрсатади, хунукни чиройли суратда жилвагар қилади...”*

8

деб ёзади. Табиийки, бу ерда фикр сўзининг бадийлик табиатига кўчади, шоирлик касб эмас, балки уста санъаткорлик эканини, хунукни жозиб бир тарзда жилвагар қилиш, кези келганда, гўзални хунук либосда тасвирлай билиш маҳорати унда

хунар каби мавжуд бўлиши лозимлигини уктиради.

Сайфи Саройининг “Гулистон би-т-туркий” асари таркибида “Шоирлар талкинида” деган махсус боб берилган бўлса, улуг форс шоири Абдурахмон Жомий “Силсилату-с-захаб” (“Тарикат силсиласи”) достонида шеър санъати хакида: *“дунё да канчадан-канча тилсим бўлса, сўз унинг калити», «сўз сайкалигина дил зангини ювади*

” дейиш билан сўзнинг хиссий кудратинигина эмас, балки санъатнинг бир тури сифатидаги салохиятини таъкидлайди

9

. Навоийга қадар айтилган бу мулохазалар мумтоз адабиётшуносликда сўз кадрининг баланд бўлганлигини, бадий сўз санъат сифатида ҳам кадрланганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий асарларидаги фикр теранлиги, озод рух, мустаҳкам иймон, туйгулар нафосати ва ниҳоят, муқаррам ва улугвор турк (ўзбек) сўзининг кудратини англамай туриб, маънавий йўлимиз қанчалик ёруғ ва равшан бўлмасин ундан дадилроқ одимлаш мумкин эмас. Улуг адиб ўзигача мавжуд барча илохий-фалсафий-адабий илмларни изчил ўрганиб, уларни ўз асарларида муқаммал бир суратда тартиблай олган эдики, зеро Навоий сўзлари бағридаги хикматни, дарду хасрат ва санъатни англаш ҳамда ўша буюк рухий дунё ичига кириш учун унинг бадий сўз хакидаги қарашларини ўрганишимиз керак бўлади.

Ҳазрат Навоий “Ҳамса” муқаддимасида ва “Хайрату-л-аброр” достонида сўз таърифига айрича боб бағишлаган. Унда сўзнинг барча маънолари, яъни Лавҳу-л-маҳфуз, Қаломуллоҳ, инсон шарифлиги ва бадий сўз жиҳатларини қамраб олади. Навоий таърифида сўзнинг “башар вужудининг сипехри (юлдузи), инсон зотининг жавҳари” эканлиги уқтирилади ҳамда назм таркиби ва наср тартиби сўз билан изоҳ қилиниши айтилади.

Мумтоз адабиётда сўзнинг муқаддас саналиши ва унинг асосида муқаррам бир санъат вужудга келиши сўзга Яратганнинг буюк мўъжизаси деган муносабатдадир. Чунки сўзга дунёнинг ибтидоси деб қаралиши сўз санъаткорлари ўйлаб топган хикмат эмас, балки Яратганнинг ҳукми билан эканини Навоийнинг талкини орқали аниқроқ илғаймиз:

Сўз келиб аввалу жахон сўнгра,

Не жахонки, кавн ила макон сўнгра.

Жахонга аввал сўз келган, хали жахон бор бўлмай туриб, борлик ва маконга сўз келгани Куръони карим оятларида ҳам мавжуд эди. Яралмиш дунё вужудга келишидан аввал “кун - ярал!” деган илохий сўз Яратганнинг кудратини рўёбга чикарди:

Чунки мавжуд бўлса нуктаи “кун”,

Бўлди мавжуд тоза, йўкса кухун.

Дунёнинг янгидан мавжудлиги, тўгрироги, таваллудига “кун-ярал!” сўзи сабаб бўлдики, йўкса “кухун” шаклидаги борлик дунёга айланармиди?!

Алишер Навоий эстетикасининг дастурига айланган «Инсоннинг гуҳари шарифлиги», яъни яралмиш зотлар ичида мукаррам ва улуглиги сўз билан («Сўз айладики, инсонни жудо хайвондин...») дейилишининг асоси шундаки, Сўз билан зийнатланган гўзал ва мукамал тарзда

яратилган Инсон ўзининг энг гўзал сўзини, энг самимий ва табиий туйгуларини Яратганга багишлайди, унга хамду муножотлар айтади, Холик билан юзма-юз мулокотдагина

(Хадиси шарифга кўра «Намоз – мўъминнинг меърожи»)
юзага чикариши табиий бир холдир.

Аллох сўзини танишдай истеъдод сохиби килиб яратилган шоир ўзининг гўзал ва улугворлиги сўз билан эканлигини кайсидир маънода, кайсидир даражада англагани учун хам уни халк килган Холикига сўз билан мурожаат килади, ўзининг энг олий фикрлари, инсоний туйгулари ва илохий кайфиятларини ўша сўзда ифода килади. Яратган уни сўзга ошно килганлигининг боиси учун хам Хазрат Навоий ёзади:

Ки сўз зодаи табъи фарзанд эрур,

Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.

Сўз табъ (истеъдод)нинг фарзанди бўлгандагина у жонга пайванд бўлади. Табъли фарзанд эса зода, яъни яралмишлар ичида эътиборлисидир. Шунинг учун хам ўзининг бутун истеъдоди сўз билан эканлигини англаган шоир ёзадики:

Сўзни гар туз дедим ва оздим,

Неки тақдир айладинг ёздим.

Кими ўлурда варақни нигор менга,

Кайда бор эди ихтиёр менга.

Хар не қилқим вараққа ёзди бу қун,

Қилқи тақдир ёзмиш эрди бурун.

Демак, шоирлик Ҳазрат Навоий талқинича, тақдир экан, у сўзнинг тузуклари - қоид аларини билиши, “кўз” орқали атрофга, дунёнинг боши ва охирига разм солиши ҳам зарурдир. Чунки сўз фақат ибтидо эмас, балки интихо ҳамдир, хатто интихогина эмас, бу икки қутб ўртасидаги мавжудлик белгисидир:

Хар қиши даҳр аро ҳаёт топиб,

Сўнгра дам сўз ила нажот топиб.

Англа у сўзни нуктаи тавхид,

Ваҳдат ахлида йўк мунча тардид.

Бас, сени аввал ул килиб зохир,

Сенга хам аввал ўлди хам охир.

Аввалу охирингга солгил кўз,

Бил хам аввал сўзу охир сўз [10](#).

Демак, Хазрат Навоийнинг СЎЗ хакида айтилган фирларининг йигиндиси сифатида Сўз – азал-абад китоби (*Лавху-л-махфуз*), Сўз – дунёнинг ибтидоси (*кун – ярал!*), Сўз - Куръони карим (*«Сўзга кулок тутиб...»*) , Сўз – инсонни инсонлатирувчи шарифлик белгиси (*«...гухари шарифрок йўк ондин»*) каби карашлар силсиласидан факат бадиий сўз – нафис адабиётга дахлдор маънилариинигина ажратиб олиб, уни ушбу мажмуа доирасида ўрганишга бурчлимиз.

Турк тилидаги адабиётшуносликка оид манбалар орасида сўз санъати ва унинг хусусиятларига доир нисбатан йирик манба Шайх Ахмад Тарозийнинг “Фунуну-л-балого” асаридир. Рисола беш кисмдан иборат бўлиб, *адабий тур ва жанрлар, аруз илми, кофия, шеър санъатлари ва муаммо илми* га багишланган

XV асрнинг биринчи ярмида яратилган бу манба мумтоз адабиётшуносликнинг мавжуд кўпгина сохаларини ўз ичига олгани учун ҳам бу мўътабар асарга нафакат бадиийлик табиати, балки мумтоз адабиётшунос-ликнинг юкорида номлари зикр килинган бўлимларини ўрганиш баробарида мурожаат киламиз.

Бундан ташкари Фузулий, Амирий, Нодира, Огахий, девонларининг дебочаларида сўз санъати ва унинг улугвор хусусиятлари васф килинган. Айрим жодкорлар бадиий асарлар ёки уларнинг дебочалари таркибида СЎЗ хакида сўз айтиш билан кифояланмай, бу борада алохида илмий-маърифий рисола битиб (шеърий йўлда) ўз мулохазаларини англатганлар. Закиржон Фуркат “Шоир ахволи ва шеър муболагаси хусусида” асарида шеърнинг “килу коли”, яъни *сўзнинг таъриф ва тавсифи, наср ва назм билан зийнатланган шакл-шамойили* хакида сўз юритилган.

XX аср бошларига келиб дунёнинг барча борлик нарсаларига бўлган муносабатларнинг ўзгаргани каби сўз санъатига нисбатан ҳам карашлар ўзгарди. Энди уни *табиатга таклид* (Арасту), *объектив борликнинг субъектив ифодаси* (Хегел), *кишилар ўртасидаги туйғу етказиш воситаси* (Л.Толстой) деб билишлик билан чекланмай сўзнинг коммуникатив имкониятларини биринчи навбатга олиб чиқишлар бўлди. Гарчи ўзбек шоирлари тилни

“воситаи робитаи олам миёндири”

(Аваз) деб атаган бўлса

–

да

Гарбдаги мавжуд карашлар ўзбек назарий тафаккури тарзига ҳам ўз таъсирини ўтказмай кўймади. “Танглайи мумтоз адабиёт анъаналари асосида кўтарилган” профессор Абдурауф Фитрат ҳам дастлабки асарларида сўз санъатининг кимматини унинг хиссий кувватидан излаган бўлса, 20-йилларнинг ўрталарига келиб ўз карашларини оврупча андозаларга сола бошлади. Шеърни

“каломи мавзуни мукаффо”

(ваззли, кофияли гап) дея

таъриф

килган сўнги араб шоирларидан фаркли равишда

“вазн” ва “кофия”си бўлган турли маънисиз сўзлар»

йигиндиси шеър бўлмаслигини, шеърда

“кишиларнинг конини кайнатгучи, сингилларини ўйнатгучи, миясини титраткучи, сезгусини кўзгатгучи маънавий бир куч”

бўлиши зарурлигини уқтирди

11

. Шундай бир маънавий куч-кудратга эга бўлмаган сўз шеър бўла олмаслигини, унинг кадри вазн ва кофия билан безалишида эмас, балки хиссий таъсир кувватида эканини англатди. 1926 йилда тартиб берган “Адабиёт коидалари” номли муаллимлар ва адабиёт хаваслилари учун ёзилган кўлланмасида бадиий адабиётга шундай таъриф берди: “

адабиёт - фикр, туйгуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир килиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир”

12

. Бу таъриф бирмунча соддарок бўлиб кўрингани билан Шарк мумтоз поэтикасидаги бадиийлик хусусиятига доир фикрларни ҳам, Гарб фалсафасидаги компративистик (мавжудлик белгилари асосида) карашларни ҳам умумлаштиришга эришган коидалардан бири сифатида кўринди.

Фитратнинг замондоши Шарк фалсафий тафаккури тарихи ва назарий карашларни ундан бир неча йил олдин “марксча установка”га солишга ургурган Абдурахмон Саъдий “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари” кўлланмасида дастлаб “Адабиёт сўзи араб тилидан олинган бир сўз бўлиб, «адаб» моддасидандир. Адаб сўзи эса тарбиялилик, нозиклик, гўзал килик, бошқалар билан яхши, кўркем муносабатда, яхши муомилада бўлмок маъноларини ичига олади”

дейиш билан унинг “одоби куллиёт” сифатидаги белгиларини ҳам,

“литература (литера – ёзмок) маъносидаги хусусиятини ҳам беришни унутмади:

«адабиёт деган сўздан бир тартибга солиниб сўйлаган ёки ёзилган ҳамма фикр ва тушунчаларни, туйгу ва хаёлларни англаймиз”.

Бунинг натижасида

“мана шу «адабиёт» сўзи бизга ҳам шу маънолари ила кўчиб, бизда ҳам хикоя, рўмон, дoston ва масалларга ўхшаш кишилик ижодларига айтиладир”

деган хулосага келди

[13](#)

XX асрнинг 30-йилларидан эса собик шўролар тазйики кучли худудларда Шарк мумтоз поэтикасидаги гўзал таърифлар ҳам Гарб фалсафасидаги карашлар ҳам эскилик саркити ёки буржуа идеологияси сифатида йўксиллар зўравонлиги (пролетариат диктатураси) каърига кириб, синфийлик ва партиявийлик деган кушандаларга дучор бўлди. Шарк мумтоз адабиётининг зукко билимдони, зариф навоийшунос ва Фитратдай улуг алломанинг шогирди Иззат Султон ҳам “Адабиёт назарияси” китобларида (илк нашри 1939, кейинги нашри 1980) бу маънавий бўйинтурукдан халос бўла олмади.

Шарк адабий-назарий тафаккурининг карийб минг йилдан улугрок тарихига назар ташлаганда, бизга маълум бўлган назарий ходисалар, адабий карашлар ва гўзал таърифларни бир мажмуага йигишдан максад келгисида бу фикрият дурдоналаридан адабий хулосалар, назарий умумлашмалар яратиш оркали шу вақтга кадар ўзаро карама-каршиликда тушунтирилган дунёнинг икки кутби Шарку Гарбдаги адабий-назарий тафаккур дурдоналарини йигиб, изчил бир тизимга солиш ва бунинг натижасида яхлит бир *адабиёт назарияси* яратмокдан иборатдир. Шу ниятда харакат килаётган илм ахлларига Аллох таоло сабру баракот ато этсин!

Хамидулла Болтабоев, профессор

[1](#) Куръони карим. Ўзбекча изохла таржима. – Т.: 1992. – Б. 513.

2 Жалолiddин Румий. Фихи ма фихи. / Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 186-191.

3 Фаридиддин Аттор. Илохийнома. – Т.: Ёзувчи, 1994. – Б.11.

4 Уайт Е. Улуг оталар ва пайгамбарлар. Printed in Russia. – Б.9.

5 Юсуф Хос Хожиб. Кутадгу билиг. Транскрипция ва hozирги ўзбек тилига тавсиф.
Нашрга
тайёрловчи
ва
сўзбоши
муаллифи
К
аюм
Каримов
. -
Т
.:
Фан
, 1971. -
Б
. 101.

6 Абу наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: Абдулла Кодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1993. - Б. 119.

7 Кайковус. Кобуснома. – Т.: 1982. – Б. 98.

8 Низомий Арузий Самаркандий. Нодир хикоятлар. – Т.: 1986. – Б. 47.

9 Абдурахмон Жомий. Танланган асарлар. - Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971
(Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ш.Шомухамедов).

-
Б.
174.

10 Алишер Навоий. Хайрату-л-аброр. Мукамал асарлар тўплами (МАТ). 7-жилд. – Т.: Фан, 1991. - Б. 60.

11 Фитрат. Шеър ва шоирлик // Иштирокиюн. – 1919. – 24 июль.

12 Абдурауф Фитрат. Адабиёт коидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам хаваслилари учун кўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изохлар муаллифи Х. Болтабоев) – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 19.

13 Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Т.: 1923. – Б. 32.